

## Вирдларнинг тафсилоти ва ҳужжатлари



13:02 / 29.11.2018 2991

Юқорида айтиб ўтилган вирдларни яна ҳам яхши тушуниш, уларнинг ҳужжат ва далилларини билиб олиш ҳар бир мурид учун фойдадан холи бўлмайди. Чунки бу зикрлар ва вазифаларни кимдир ўзича ўйлаб чиқарган эмас, улар айна Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан суннат эканини билиш кишига ўзига хос ҳис-туйғу бахш этади ва Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг изларидан юраётганини сездириб туради.

**- Юз марта «Астағфируллоҳал азийм аллазии лаа илааҳа иллаа ҳува ва атуубу илайҳи»ни айтади.**

Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Албатта, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким «Астағфируллоҳал азийм аллази лаа илааҳа иллаа ҳувал Ҳайял Қайюма ва атуубу илайҳи», деса, мағфират қилинади. Ҳатто урушдан қочган бўлса ҳам», деганларини эшитган экан».**

Дуонинг маъноси: «Ҳайй ва Қойюм бўлган, Ўзидан бошқа илоҳ йўқ бўлган Улуғ Аллоҳга истиғфор айтаман ва Унга тавба қиламан».

Ушбу дуони бомдоддан олдин бир юз бир марта айтиб юриш тавсия қилинади.

**- Юз марта «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтади.**

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачон бир банда ихлос билан «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтса, албатта, бунга (унинг айтган сўзига) токи Аршга етиб боргунча осмон эшиклари очилур, модомики гуноҳи кабиралардан четланилган бўлса», дедилар».**

Бундан зокир зикрнинг фойдасидан баҳраманд бўлиши учун гуноҳи кабираларни қилмаган бўлиши кераклиги келиб чиқади. Ана шунда унинг зикри Аршгача етиб боради ва дуолари ҳам қабул бўлади.

Бу ҳадиси шарифда «Лаа илааҳа иллаллоҳ»нинг фазли қанчалар улуғ экани баён қилинмоқда.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси Аллоҳдан ўзга барча нарсадан илоҳлик – ибодатга сазоворликни манфий қилади.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси илоҳлик, яъни ибодатга сазоворликни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига исбот қилади.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» тавҳид калимаси, калимаи тоййиба ва ихлос калимаси ҳам дейилади.

Уламолар «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни қисқача қилиб «тахлил» деб атайдилар. Китобларда «Таҳлил айтди» деган ибора келса, «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтди, деб англаш лозим.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси барча пайғамбарларга юборилган динларнинг хулосасидир.

«Лаа илааха иллаллоҳ»ни айтмагунча уни айтишга қодир бўлган кишининг иймони дуруст бўлмайди.

«Лаа илааха иллаллоҳ»ни айтиб, шаҳодат келтирган ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликларини тасдиқлаган одам мусулмон бўлади.

«Лаа илааха иллаллоҳ» азон ва иқоманинг жузи, яъни бир қисмидир.

«Лаа илааха иллаллоҳ» энг афзал зикрдир.

«Лаа илааха иллаллоҳ»ни ҳар замон ва ҳар жойда айтиб туриш мустаҳабдир.

**- Юз марта «Аллоҳумма солли алаа»ни охиригача ўқийди.**

﴿تَسْلِيمًا وَسَلَامًا عَلَيْهِ صَلَوَاتُ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّسُلِ يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ عَلَىٰ بُرُوقِهِ وَمَلَائِكَتِهِ، اللَّهُ إِنَّ

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади:

**«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Набийга салавот айтурлар. Эй иймон келтирганлар! Унга салавот айтиш ва салом йўлланг» (56-оят).**

Ушбу ояти карима Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қадр-қимматлари Аллоҳ таолонинг ҳузурида қанчалар улуғ эканини яна бир бор кўрсатмоқда. Бошқа биров эмас, ҳатто Аллоҳ таолонинг Ўзи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиши таъкидланмоқда. Араб тилида «салавот» сўзи «салот»нинг жами бўлиб, «дуо» маъносини англатади. Араб тилида намоз ҳам «салот» дейилади. Чунки намозда ҳам дуо маъноси бор. Аммо «салот» Аллоҳ таоло томонидан бўлганида «дуо» маъносини йўқотади.

Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиши у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўз раҳматини юбориши, улуғлаши, мақомларини кўтариши ва фаришталар ҳузурида шаънларига мақтовлар айтишини англатади.

Фаришталарнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтишлари у зоти бобаракотнинг ҳақларига дуо қилишлари, истиффор айтишлари маъносида бўлади.

Мўмин-мусулмонларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга салават айтишлари эса улар томонидан бўлган дуо ва улуғлаш маъносидадир.

Демак, Аллоҳ таоло доимо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўз раҳматини юбориб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан рози эканини билдириб, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга мақтовлар айтиб турар экан.

Фаришталар ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳдан раҳмат, саломатлик, розилик сўраб дуо қилиб туришар экан.

Ояти каримада таъкидли хабардан кейин мўминларга:

**«Эй иймон келтирганлар! Унга салават айтинг ва салом юборинг»,**  
деб амр қилинмоқда.

*(давоми бор)*

**“Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китобидан**